|-----|---|---|---|--|---|--|---|-------------------------------|--------------------|---------------------------------|---|--------------------------------------|--|--|---|---|--------------------------|
|     |   |   |   |  |   |  |   | Жами маблағлар лимити         | Шу жумладан        |                                 | Ташкирлаш ишларининг қийматининг топшириш қўлаштирилган қиймати (кв/ой) | Асосий фондларнинг инвита туширилган |  |  |   | Пулрат таъхсилотини амалга ошириш учун асос | Пулрат таъхсилотини номи |
|     |   |   |   |  |   |  |   |                               | КМН учумий қиймати | Буюртмачининг бешка харажатлари |   |                                      |  |  |   |   |                          |
| 1   | 2   | 3   | 4   | 5  | 6   | 7  | 8   | 9                             | 10                 | 11                              | 12  | 13                                   | 14   | 15   | 16  | 17  | 18                       |
| 90  | 4Н381 "М37 автобули (170 км) - Дала ҳовли «Тоғи» - Қумушқон сув иншооти" а/йўлининг 0-8 км, а) Қумушқон қишлоғига 0-3 км қисмларини жорий таъмирлаш   | 2022 йил  | 1,5   | 101,000  | 101,000   | 101,000  | 101,000   | 101,000                       | 100,000            | 1,000                           | 1,5   | 101,000                              |  | 2022 йил 12 март Нуксонлар кайтновмаси                               | ПҚ 2776 14.02.2017й   | Кармана ТИФУК                               |                          |
| 91  | 4Н382 "Турқоман қ. - Хончарбоғ қ. - Тама қ. - Азамат қ" автомобиль йўлининг 0-6 км қисмларини жорий таъмирлаш   | 2022 йил  | 1,0   | 95,950   | 95,950  | 95,950   | 95,950  | 95,950                        | 95,000             | 0,950                           | 1,0   | 95,950                               |  | 2022 йил 12 март Нуксонлар кайтновмаси                               | ПҚ 2776 14.02.2017й   | Кармана ТИФУК                               |                          |
| 92  | 4Н394 "Гумбоз қ. - Сийроқ қ. - Қултуб қ. - Урганчи қ." а/йўлининг 0-6 км, а) Янгиобод қишлоғига 0-1 км, б) Турқоман қишлоғига автомобиль йўлининг 0-2 км қисмларини жорий таъмирлаш           | 2022 йил  | 1,5   | 161,600  | 161,600   | 161,600  | 161,600   | 161,600                       | 160,000            | 1,600                           | 1,5   | 161,600                              |  | 2022 йил 12 март Нуксонлар кайтновмаси                               | ПҚ 2776 14.02.2017й   | Кармана ТИФУК                               |                          |
| 93  | 4Н364 М37 автобулидан шохбачалар: а) Мирзачорвоқ тарихий ёдгорлиғига 0-2 км лари, б) Обравон қишлоғига 0-1 км лари, в) Навруз қишлоғига автомобиль йўлининг 0-4 км қисмларини жорий таъмирлаш | 2022 йил  | 1,5   | 151,500  | 151,500   | 151,500  | 151,500   | 151,500                       | 150,000            | 1,500                           | 1,5   | 151,500                              |  | 2022 йил 12 март Нуксонлар кайтновмаси                               | ПҚ 2776 14.02.2017й   | Кармана ТИФУК                               |                          |
| 94  | 4Н364 М37 автобулидан шохбачалар: г) Навоий шаҳрига автомобиль йўлининг 0-3 км қисмларини жорий таъмирлаш   | 2022 йил  | 1,5   | 151,500  | 151,500   | 151,500  | 151,500   | 151,500                       | 150,000            | 1,500                           | 1,5   | 151,500                              |  | 2022 йил 12 март Нуксонлар кайтновмаси                               | ПҚ 2776 14.02.2017й   | Кармана ТИФУК                               |                          |
| 95  | 4Н367 "4К364 автобули (2 юк) — Бўстон қ. — Гулистон қ." автомобиль йўлининг 0-7 км қисмларини жорий таъмирлаш   | 2022 йил  | 2,0   | 176,750  | 176,750   | 176,750  | 176,750   | 176,750                       | 175,000            | 1,750                           | 2,0   | 176,750                              |  | 2022 йил 12 март Нуксонлар кайтновмаси                               | ПҚ 2776 14.02.2017й   | Кармана ТИФУК                               |                          |
| 96  | 4Н383 "4Р183 автобули (44 км) — Хазора қ." автомобиль йўлининг 0-8 км қисмларини жорий таъмирлаш  | 2022 йил  | 2,0   | 237,350  | 237,350   | 237,350  | 237,350   | 237,350                       | 235,000            | 2,350                           | 2,0   | 237,350                              |  | 2022 йил 12 март Нуксонлар кайтновмаси                               | ПҚ 2776 14.02.2017й   | Кармана ТИФУК                               |                          |
| 97  | 4Н384 "М37 автобули (149 км) — Пахтаобод қ. — Фарход қ." автомобиль йўлининг 0-5 км қисмларини жорий таъмирлаш  | 2022 йил  | 1,0   | 60,600   | 60,600  | 60,600   | 60,600  | 60,600                        | 60,000             | 0,600                           | 1,0   | 60,600                               |  | 2022 йил 12 март Нуксонлар кайтновмаси                               | ПҚ 2776 14.02.2017й   | Кармана ТИФУК                               |                          |
| 98  | 4К366 "Хазора қ. — М37 автобули (189 км) — Навоий сув иншооти" автомобиль йўлининг 0-16 км қисмларини жорий таъмирлаш   | 2022 йил  | 0,5   | 45,450   | 45,450  | 45,450   | 45,450  | 45,450                        | 45,000             | 0,450                           | 0,5   | 45,450                               |  | 2022 йил 12 март Нуксонлар кайтновмаси                               | ПҚ 2776 14.02.2017й   | Кармана ТИФУК                               |                          |
| 99  | 4Н393 "М37 автобули (179 км) — Хазора қ." а/йўлининг 0-10 км қисмларини жорий таъмирлаш   | 2022 йил  | 0,5   | 35,350   | 35,350  | 35,350   | 35,350  | 35,350                        | 35,000             | 0,350                           | 0,5   | 35,350                               |  | 2022 йил 12 март Нуксонлар кайтновмаси                               | ПҚ 2776 14.02.2017й   | Кармана ТИФУК                               |                          |
| 100 | 4Н411 "4Р64 «га автобули (10 км) — Кармана АБЦ" автомобиль йўлининг 0-2 км қисмларини жорий таъмирлаш   | 2022 йил  | 0,5   | 25,250   | 25,250  | 25,250   | 25,250  | 25,250                        | 25,000             | 0,250                           | 0,5   | 25,250                               |  | 2022 йил 12 март Нуксонлар кайтновмаси                               | ПҚ 2776 14.02.2017й   | Кармана ТИФУК                               |                          |
| 8   | <b>Навоий ҚФУК</b>  |   | 12,0  | 25 501,429   | 25 501,429  | 25 501,429   | 25 501,429  | 25 501,429                    | 25 389,244         | 112,185                         | 12,0  | 25 501,429                           |  |  |   |   |                          |
|     | <b>Халқаро аҳамиятдаги йўллар</b>   |   | 12,0  | 112,185  | 112,185   | 112,185  | 112,185   | 25 501,429                    | 25 389,244         | 112,185                         | 12,0  | 25 501,429                           |  |  |   |   |                          |
| 101 | М37 -"Самарқанд-Бухоро-Турқоманбоши" автомобиль йўлининг 147-212 км қисмларини жорий таъмирлаш  | 2022 йил  | 12,0  | 25 501,429   | 25 501,429  | 25 501,429   | 25 501,429  | 25 501,429                    | 25 389,244         | 112,185                         | 12,0  | 25 501,429                           |  | 2022 йил 12 март Нуксонлар кайтновмаси                               | ПҚ 2776 14.02.2017й   | Навоий ҚФУК                                 |                          |
| 9   | <b>Томди тумани бўйича</b>  |   | 22,0  | 3 500,761  | 3 500,761   | 3 500,761  | 3 500,761   | 3 500,761                     | 3 463,130          | 37,631                          | 22,0  | 3 500,761                            |  |  |   |   |                          |
|     | <b>Халқаро аҳамиятдаги йўллар</b>   |   | 4,0   | 37,631   | 37,631  | 37,631   | 37,631  | 809,000                       | 800,000            | 9,000                           | 4,0   | 809,000                              |  |  |   |   |                          |
| 102 | А-379 "Навоий—Учкудук (Зарафшон шаҳри орқали)" автомобиль йўлининг 140-232 км қисмларини жорий таъмирлаш  | 2022 йил  | 4,0   | 809,000  | 809,000   | 809,000  | 809,000   | 809,000                       | 800,000            | 9,000                           | 4,0   | 809,000                              |  | 2022 йил 12 март Нуксонлар кайтновмаси                               | ПҚ 2776 14.02.2017й   | Томди ТИФУК                                 |                          |
|     | <b>Давлат аҳамиятдаги йўллар</b>  |   | 13,0  | 2 530,161  | 2 530,161   | 2 530,161  | 2 530,161   | 2 530,161                     | 2 503,130          | 27,031                          | 13,0  | 2 530,161                            |  |  |   |   |                          |
| 103 | 4Р61 "Уринбой қ-Пресе қ-Ойкудук қ- А-379 а/йўлининг 126 км Қарақата т.й б-Жонқалди қ-А-380 автобули(404 км.)" автомобиль йўлининг 0-104 км қисмларини жорий таъмирлаш                         | 2022 йил  | 2,0   | 304,000  | 304,000   | 304,000  | 304,000   | 304,000                       | 300,000            | 4,000                           | 2,0   | 304,000                              |  | 2022 йил 12 март Нуксонлар кайтновмаси                               | ПҚ 2776 14.02.2017й   | Томди ТИФУК                                 |                          |
| 104 | 4р57 "Қизилқум қалқа" йўли-(Кармана ш-Нурута ш-Боймурот қ-Муллали қ-Томдубулоқ қ" автомобиль йўлининг 262-448 км қисмларини жорий таъмирлаш   | 2022 йил  | 3,0   | 737,300  | 737,300   | 737,300  | 737,300   | 737,300                       | 730,000            | 7,300                           | 3,0   | 737,300                              |  | 2022 йил 12 март Нуксонлар кайтновмаси                               | ПҚ 2776 14.02.2017й   | Томди ТИФУК                                 |                          |



| №   | Объектлар номи ва мавзиси  | Қурилиш амаллари-нинг бошланиши ва тугалашини йил | Лойihalay Куралиги, тегшилди (с/м) | Таъмирлаш амалларининг муҳлати (кунлар), соғина, муҳимлик, буюртмачининг боғица харажати | 01.01.22 й. солатилин курилшининг килдиз киймати, муҳимлик (буюртмачининг харажати) | 01.01.22 й. солатилин курилшининг килдиз киймати, муҳимлик (буюртмачининг харажати) | 01.01.22 й. солатилин курилшининг килдиз киймати, муҳимлик (буюртмачининг харажати) | 2022 йилги исхонига қўйилганлар  |                    |                             | Таъмирлаш амалларининг қийматининг топилиши қиймати ва муҳлати (с/м/б) | Асосий функцияларини янги тугалашини | 2022 йил 1 январь солатилингувчи объект буйича қилдик чилдизилтириши | 2022 йил 1 январь солатилингувчи объект буйича қилдик чилдизилтириши | Лойihalay экспертизига йил Нусхонлар қийматининг солими ва расми | Пудратчи таъминлот                         |                          |
|-----|--|---|------------------------------------|--|---|---|---|----------------------------------|--------------------|-----------------------------|--|--------------------------------------|--|--|--|--|--------------------------|
|     |  |   |                                    |  |   |   |   | Жами қийматлар (с/м/б)           | Шу жумладан        |                             |  |                                      |  |  |  | Пудрат таъминлотини амалга ошириш учун хос | Пудрат таъминлотини номи |
|     |  |   |                                    |  |   |   |   |                                  | КМН умумий қиймати | Қурилшининг боғица харажати |  |                                      |  |  |  |  |                          |
| 105 | 4P57a "Зарафшон шаҳрига шахобча" автомобиль йулловег 0-14 км қисмларини жорий таъмирлаш  | 2022 йил  | 0,5                                | 70,700<br>0,700  | 70,700<br>0,700   | 70,700<br>0,700   | 70,700<br>0,700   | 70,700<br>70,000                 | 0,700              | 0,5                         | 70,700   |                                      |  | 2022 йил 12 март Нусхонлар қийдномаси                                | ПҚ 2776 14.02.2017й  | Томди ТЙФУК                                |                          |
| 106 | 4P229 "А379 автобули — Қиоир қ. — «Нурота — Томдбулоқ автобули" автомобиль йулловег 0-49 км қисмларини жорий таъмирлаш                 | 2022 йил  | 3,0                                | 1014,161<br>11,031   | 1014,161<br>11,031  | 1014,161<br>11,031  | 1014,161<br>11,031  | 1014,161<br>1003,130             | 11,031             | 3,0                         | 1014,161   |                                      |  | 2022 йил 12 март Нусхонлар қийдномаси                                | ПҚ 2776 14.02.2017й  | Томди ТЙФУК                                |                          |
| 107 | 4P209 "Зарафшон-Дуруттав-Балғарак қ" автомобиль йулнинг 0-28 км қисмларини жорий таъмирлаш   | 2022 йил  | 2,0                                | 171,700<br>1,700   | 171,700<br>1,700  | 171,700<br>1,700  | 171,700<br>1,700  | 171,700<br>170,000               | 1,700              | 2,0                         | 171,700  |                                      |  | 2022 йил 12 март Нусхонлар қийдномаси                                | ПҚ 2776 14.02.2017й  | Томди ТЙФУК                                |                          |
| 108 | 4P59 А379 автобулидан шахобча қ "Зарафшон шаҳрига" автомобиль йулловег 0-4 км қисмларини жорий таъмирлаш                               | 2022 йил  | 1,0                                | 111,100<br>1,100   | 111,100<br>1,100  | 111,100<br>1,100  | 111,100<br>1,100  | 111,100<br>110,000               | 1,100              | 1,0                         | 111,100  |                                      |  | 2022 йил 12 март Нусхонлар қийдномаси                                | ПҚ 2776 14.02.2017й  | Томди ТЙФУК                                |                          |
| 109 | 4P59 А379 автобулидан шахобча қ) Муруттов шаҳарчасига автомобиль йулловег 0-20 км қисмларини жорий таъмирлаш                           | 2022 йил  | 1,5                                | 121,200<br>1,200   | 121,200<br>1,200  | 121,200<br>1,200  | 121,200<br>1,200  | 121,200<br>120,000               | 1,200              | 1,5                         | 121,200  |                                      |  | 2022 йил 12 март Нусхонлар қийдномаси                                | ПҚ 2776 14.02.2017й  | Томди ТЙФУК                                |                          |
|     | <b>Маҳаллий аҳамиятдаги йуллар</b>   |   | <b>5,0</b>                         | <b>161,600<br/>1,600</b>   | <b>161,600<br/>1,600</b>  | <b>161,600<br/>1,600</b>  | <b>161,600<br/>1,600</b>  | <b>161,600<br/>160,000</b>       | <b>1,600</b>       | <b>5,0</b>                  | <b>161,600</b>   |                                      |  |  |  |  |                          |
| 110 | 4K376 "Томдбулоқ қ. — Пашият қ. — Анқудуқ қ." автомобиль йулловег 0-86 км қисмларини жорий таъмирлаш                                   | 2022 йил  | 5,0                                | 161,600<br>1,600   | 161,600<br>1,600  | 161,600<br>1,600  | 161,600<br>1,600  | 161,600<br>160,000               | 1,600              | 5,0                         | 161,600  |                                      |  | 2022 йил 12 март Нусхонлар қийдномаси                                | ПҚ 2776 14.02.2017й  | Томди ТЙФУК                                |                          |
| 10  | <b>Навоий ЙМФУК</b>  |   | <b>3,0</b>                         | <b>2 764,779<br/>27,379</b>  | <b>2 764,779<br/>27,379</b>   | <b>2 764,779<br/>27,379</b>   | <b>2 764,779<br/>27,379</b>   | <b>2 764,779<br/>2 737,400</b>   | <b>27,379</b>      | <b>3,0</b>                  | <b>2 764,779</b>   |                                      |  |  |  |  |                          |
|     | <b>Халқаро аҳамиятдаги йуллар</b>  |   | <b>3,0</b>                         | <b>2 764,779<br/>27,379</b>  | <b>2 764,779<br/>27,379</b>   | <b>2 764,779<br/>27,379</b>   | <b>2 764,779<br/>27,379</b>   | <b>2 764,779<br/>2 737,400</b>   | <b>27,379</b>      | <b>3,0</b>                  | <b>2 764,779</b>   |                                      |  |  |  |  |                          |
| 111 | A-379 "Навоий—Учқудуқ (Зарафшон шаҳри орқали)" автомобиль йулловег 0-19 км қисмларини жорий таъмирлаш                                  | 2022 йил  | 3,0                                | 2 764,779<br>27,379  | 2 764,779<br>27,379   | 2 764,779<br>27,379   | 2 764,779<br>27,379   | 2 764,779<br>2 737,400           | 27,379             | 3,0                         | 2 764,779  |                                      |  | 2022 йил 12 март Нусхонлар қийдномаси                                | ПҚ 2776 14.02.2017й  | Навоий ЙМФУК                               |                          |
| 11  | <b>Навоий вилояти буйича ВМ 584-сонли қарорига асосан жами 3033 дома йул белги урнатилиш ҳамда 1 649 км йул чизиқлари чизилиш учун</b> |   |                                    | <b>4 862,620<br/>48,144</b>  | <b>4 862,620<br/>48,144</b>   | <b>4 862,620<br/>48,144</b>   | <b>4 862,620<br/>48,144</b>   | <b>4 862,620<br/>4 814,476</b>   | <b>48,144</b>      |                             | <b>4 862,620</b>   |                                      |  |  |  |  |                          |
| 1   | Халқаро аҳамиятдаги автомобиль йулларида йул белгиларини урнатилиш ва йул чизиқларини чизилиш  | 2022 йил  | 300 дома<br>356 км                 | 1 161,500<br>11,500  | 1 161,500<br>11,500   | 1 161,500<br>11,500   | 1 161,500<br>11,500   | 1 161,500<br>1 150,000           | 11,500             |                             | 1 161,500  |                                      |  | 2022 йил 12 март Нусхонлар қийдномаси                                | ВМ РМБ 15.03.2022 й №40-сон                                      | "Узавтобул-белги" ДУК                      |                          |
| 2   | Давлат аҳамиятдаги автомобиль йулларида йул белгиларини урнатилиш ва йул чизиқларини чизилиш   | 2022 йил  | 2713 дома<br>1052 км               | 3 206,080<br>31,743  | 3 206,080<br>31,743   | 3 206,080<br>31,743   | 3 206,080<br>31,743   | 3 206,080<br>3 174,337           | 31,743             |                             | 3 206,080  |                                      |  | 2022 йил 12 март Нусхонлар қийдномаси                                | ВМ РМБ 15.03.2022 й №40-сон                                      | "Узавтобул-белги" ДУК                      |                          |
| 3   | Маҳаллий аҳамиятдаги автомобиль йулларида йул белгиларини урнатилиш ва йул чизиқларини чизилиш   | 2022 йил  | 20 дома<br>241 км                  | 495,040<br>4,901   | 495,040<br>4,901  | 495,040<br>4,901  | 495,040<br>4,901  | 495,040<br>490,139               | 4,901              |                             | 495,040  |                                      |  | 2022 йил 12 март Нусхонлар қийдномаси                                | ВМ РМБ 15.03.2022 й №40-сон                                      | "Узавтобул-белги" ДУК                      |                          |
|     | <b>Навоий вилояти буйича жами:</b>   |   | <b>176,5</b>                       | <b>63 000,000</b>  | <b>63 000,000</b>   | <b>63 000,000</b>   | <b>63 000,000</b>   | <b>63 000,000</b>                | <b>62 506,642</b>  | <b>493,358</b>              | <b>176,5</b>   | <b>63 000,000</b>                    |  |  |  |  |                          |
| 1   | <b>Халқаро аҳамиятдаги йуллар</b>  |   | <b>27,0</b>                        | <b>31 852,708<br/>176,064</b>  | <b>31 852,708<br/>176,064</b>   | <b>31 852,708<br/>176,064</b>   | <b>31 852,708<br/>176,064</b>   | <b>31 852,708<br/>31 676,644</b> | <b>176,064</b>     | <b>27,0</b>                 | <b>31 852,708</b>  |                                      |  |  |  |  |                          |
| 2   | <b>Давлат аҳамиятдаги йуллар</b>   |   | <b>85,0</b>                        | <b>23 660,402<br/>240,199</b>  | <b>23 660,402<br/>240,199</b>   | <b>23 660,402<br/>240,199</b>   | <b>23 660,402<br/>240,199</b>   | <b>23 660,402<br/>23 420,203</b> | <b>240,199</b>     | <b>85,0</b>                 | <b>23 660,402</b>  |                                      |  |  |  |  |                          |
| 3   | <b>Маҳаллий аҳамиятдаги йуллар</b>   |   | <b>64,5</b>                        | <b>7 486,890<br/>77,095</b>  | <b>7 486,890<br/>77,095</b>   | <b>7 486,890<br/>77,095</b>   | <b>7 486,890<br/>77,095</b>   | <b>7 486,890<br/>7 409,795</b>   | <b>77,095</b>      | <b>64,5</b>                 | <b>7 486,890</b>   |                                      |  |  |  |  |                          |

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги  
Давлат ривожлантириш дастурларини молиявий таъминлаш департаментини директори

  
С.Саъдуллаев  
2022 й.

Навоий вилояти автомобиль йуллари хулудий бошқармаси бошлиғи

  
Э.Камалов  
2022 йил

Автомобиль йуллари қўмитаси автомобиль йулларидан фойдаланиш ва техник ҳолатини таҳлил қилиш бошқармаси бошлиғи

  
И.Хожиев  
2022 йил



№05-05/1-125  
29.04.2022 й.

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Бош вазирининг биринчи**  
**ўринбосари**

**А.Ж. Рамагов**



2022 йил “29” апрель

**Вазирлар Маҳкамасида ўтказилган йиғилиш**  
**БАЁНИ № 9**

2022 йил 29 апрель

Тошкент шаҳри

**Раислик қилди:**

**А.Ж. Рамагов** – Ўзбекистон Республикаси  
Бош вазирининг биринчи ўринбосари

**Қатнашдилар:**

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги,  
Автомобиль йўллари қўмитаси, тегишли  
вазирлик ва идоралар раҳбарлари *(руйхат*  
*бўйича)*

**КУН ТАРТИБИ:**

**2022 йилда йўл-транспорт инфратузилмаси объектларида қурилиш-  
таъмирлаш ишларини жадаллаштириш тўғрисида**

*(Рамагов, Абдувалиев, Назаров, Хайдаров, Рамагов)*

Ўзбекистон Республикасининг “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунида йўл-транспорт инфратузилмасини яхшилаш ишлари билан боғлиқ харажатлар учун давлат бюджетидан **4 820,4** млрд сўм маблағ ажратилиши кўзда тутилган.

Жумладан, умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини жорий ва мукамал таъмирлаш, сақлаш, қишки қаров, кўкаламзорлаштириш ишларига **2 135,0** млрд сўм йўналтирилиши белгиланган.

Мазкур маблағларни Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг берилган топшириқлари асосида тегишли лойиҳалар ва йўл ҳўжалигидаги тадбирларга йўналтириш бўйича Автомобиль йўллари қўмитаси томонидан таклифлар киритилди.

Шундан келиб чикиб, давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 2022 йилда ажратилиши кўзда тутилган маблағларни биринчи навбатда олдинги йилларда бажарилган ишларнинг кредитор қарздорликларини қоплаш, йилдан-йилга ўтувчи объектларнинг қолдиқ ишларини яқунлаш ҳамда Ўзбекистон

Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг берилган топшириқлари ижросини таъминлаш мақсадида, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда вилоят ҳокимликларининг таклифларини инобатга олган ҳолда, кўзда тутилган маблағлар тегишли иш турларига йўналтирилди ҳамда 2022 йилги умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини мукамал таъмирлаш ишлари дастури шакллантирилди.

Кун тартибидаги масалалар атрофлича муҳокама қилиниб, билдирилган таклиф ва мулоҳазалар асосида мажлис **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини жорий ва мукамал таъмирлаш, сақлаш, қишки қаров, кўкаламзорлаштириш ишларига ажратилган маблағларнинг тақсимоти **1-иловага;**

умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларининг эксплуатация харажатларига (жорий таъмирлаш, сақлаш, қишки қаров ва кўкаламзорлаштириш) ажратилган маблағлар тўғрисидаги маълумот **2-иловага;**

2022 йилги умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини мукамал таъмирлаш дастури (кейинги ўринларда – мукамал таъмирлаш дастури деб юритилади) **3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.**

2. **Автомобиль йўллари қўмитаси** (Абдувалиев) мукамал таъмирлаш дастурига киритилган:

а) йилдан-йилга ўтувчи объектлар бўйича:

**бир ҳафта муддатда** пудратчи ташкилотлар билан қўшимча келишувлар тузилишини;

**ўн кун муддатда** 2022 йил учун қурилишларнинг манзилли рўйхатини Молия вазирлигига келишиш учун киритилишини;

б) янгидан бошланувчи объектлар бўйича:

**икки ой муддатда** лойиҳа-смета ҳужжатларини сифатли ва ўз вақтида ишлаб чиқилишини, шунингдек ўрнатилган тартибда давлат экспертизасидан ўтказилишини;

**уч ой муддатда** танлов (тендер) савдоларини ўтказилишини ва пудратчи ташкилотлар билан шартномалар тузилишини;

харид қилиш тартиб-таомиллари яқунланганидан кейин **ўн кун муддатда** қурилишларнинг яқуний манзилли рўйхатини Молия вазирлигига келишиш учун киритилишини таъминласин.

Шунингдек, мукамал таъмирлаш дастури доирасида ажратилган маблағларни мақсадли ишлатилиши, маҳаллий хом ашё ва материаллардан фойдаланган ҳолда бажарилаётган йўл қуриш-таъмирлаш ишлари сифатли амалга оширилишини ҳамда шаҳарсозлик коидалари ва меъёрларига қатъий риоя қилилишини назорат қилсин.

**3. Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш инспекцияси (Салихов) ўрнатилган тартибда йўл қурилиш-таъмирлаш ишларини сифатли бажарилишини назоратга олсин.**

**4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларига:**

мукаммал таъмирлаш дастури ижроси сўзсиз таъминланиши учун йўл-қурилиш пудрат корхоналарига маиший ва бошқа зарур қулай шарт-шароитлар яратиш ҳамда шу билан бир қаторда йўл техникалари ва меҳнат ресурсларини бошқа ишларга жалб қилинишига йўл қўймаслик;

мукаммал таъмирлаш дастурига киритилган объектларда қуриш-таъмирлаш ишлари тугаган объектларни фойдаланишга топшириш ва қабул қилишда тегишли ишларни қабул қилиш ва топшириш комиссияларининг ишларида ўз вакилларининг иштирокини таъминлаш бўйича шахсий жавобгарлик юклансин.

**5. Автомобиль йўллари қўмитаси (Абдувалиев), Молия вазирлиги (Хайдаров) билан келишилган ҳолда мукаммал таъмирлаш дастури доирасида ажратилган маблағларни тўлиқ ўзлаштирилишини таъминлаш мақсадида, ажратилган лимитларни қайта тақсимлаш ишларини амалга оширсин.**

**6. Транспорт вазирлиги (Махкамов), Автомобиль йўллари қўмитаси (Абдувалиев), Молия вазирлиги (Хайдаров) амалдаги автомобиль йўллари соҳасига оид меъёрий ҳужжатларни (қоидалар ва нормалар) халқаро стандартларга мослаштириш ҳамда янги меъёрларни ишлаб чиқиш ишларига талаб этилаётган 3,0 млрд сўмни 2022 йилда умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини сақлаш ишлари учун кўзда тутилган маблағлар ҳисобидан йўналтирилишини таъминласин.**

Бунда, **Транспорт вазирлиги (Махкамов) Қурилиш вазирлиги (Закиров) ва Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш инспекцияси (Салихов) билан биргаликда автомобиль йўлларини лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва эксплуатация қилиш ишлари бўйича амалдаги меъёрий ҳужжатларни хатловдан ўтказиб, хорижий тажрибани, заруратдан келиб чиқиб белгиланган тартибда хорижий экспертларни жалб қилган ҳолда, замонавий технологиялар ва машина-механизмлардан фойдаланишни назарда тутувчи янги меъёрларни ишлаб чиқилишини ва йўл ҳўжалигидаги харажатларни камайтириш чоралари кўрилишини таъминласин.**

**7. Тегишли буюртмачилар лойиҳачи ва пудратчи ташкилотлар билан биргаликда мазкур баъндан келиб чиқиб, объектларнинг фойдаланишга топшириш муддатини ўрнатилган тартибда қайта кўриб чиқсинлар ҳамда заруратдан келиб чиқиб танлов савдолари комиссиясининг тегишли рухсати асосида қўшимча келишувларни расмийлаштирилишини таъминласинлар.**

**8. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Бобоев), Молия вазирлиги (Ишметов), Автомобиль йўллари қўмитаси (Абдувалиев)**га Автомобиль йўллари қўмитаси тизимидаги корхоналарнинг ишлаб чиқариш ва саноат базаларини модернизация қилиш ишларига маблағ ажратилмаётганлиги сабабли "Бекободйўлиндустрія" унитар корхонаси ишлаб чиқариш ва саноат базасини модернизация қилиш объектини далолатномага асосан жорий ҳолатда фойдаланишга қабул қилишга рухсат берилсин ҳамда "Бекободйўлиндустрія" унитар корхонасига объектнинг кафолат муддати тугагандан сўнг тўланадиган 5 фоизлик кафолат маблағини тўлаб берилишига;

4P119 "Чортоқ ш. – Калишоҳ қ. – Ҳазратишоҳ қ. – Заркент қ." автомобиль йўлининг 40-50 км қисмини тўла таъмирлаш объектидаги қўшимча бажарилган ёритиш тизимидаги иш ҳажмларини объект 40-45 км қисми фойдаланишга топширилганлигини инобатга олиб, ҳозирда қурилиш монтаж ишлари амалга ошириляётган шу автомобиль йўлининг 45-50 км қисмининг лойиҳа-смета ҳужжатларига қўшимча сифатида киритилишига;

4P238 "Самарқанд ш. – Булунғур ш. – Тўрон қ. – Аламлик қ." автомобиль йўлининг 32-37 км қисмидан янги Булунғур сув омбори қурилишига оғир юк ташувчи автомобилларнинг тўхтовсиз ўтиши натижасида ҳозирда мавжуд йўл қопламаси бутунлай бузилиб кетганлигини инобатга олиб, объектнинг тўла таъмирлаш лойиҳасини йўлнинг мавжуд ҳолатидан келиб чиқиб янгидан лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилишига, бунда лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун тегишли маблағларни 2022 йил тўла таъмирлаш дастурида келгуси йиллар лойиҳа қидирув ишлари учун ажратилган маблағлар ҳисобидан ажратилишига;

4P50 "Тойлоқ қ. – Ургут ш." автомобиль йўлининг 22-24 км қисмини тўла таъмирлаш объекти ҳамда 4P47 "Булунғур ш. – Ургут ш. – М39" автомобиль йўлининг 53-60 км қисмини тўла таъмирлаш объектларини шаҳар киёфасини тубдан ўзгартириш мақсадида йўл четидаги юқори кучланишли электр тармоғини бошқа жойга қўчириб, ўрнига замонавий типдаги ёритиш тизимини ўрнатиш ишларини лойиҳа-смета ҳужжатларига қўшимча киритилиб, қурилиш монтаж ишларига қўшимча маблағ ажратилишига;

туристик зоналар ҳудудида туризм инфратузилмаси объектларини самарали фаолият юритиши учун зарур инвестициявий шарт-шароитларни яратиш мақсадида "Хўжакент" темир йўл станцияси томонидан автомобиль йўлини кесиб ўтувчи барча қулайликларга эга бўлган ер ости пиёдалар ўтиш йўлини ҳамда мавжуд йўл бўйлаб автомобиллар учун хавфсиз автотураргоҳ қуриш ишларини 4P12 "Бектемир ш. – Чирчиқ ш. – Ғазалкент ш. – Чорбоғ қўрғони" автомобиль йўлининг 71-74 км қисмини тўла таъмирлаш объекти лойиҳа-смета ҳужжатларига қўшимча равишда киритилиб, тегишли ўзгартириш киритилишига;

ҳудуднинг туристик салоҳиятидан ва уйғунлигидан келиб чиқиб, жойлашган биноларнинг ландшафт жойлашуви ва ҳамоҳанглигини инобатга олиб, 4P6 "Тошкент ш – Чирчиқ ш – Чимён қ" автомобиль йўлининг

81 километрдаги 370-сон йўл таъмирлаш бўлимини (ДРП) тўла таъмирлаш объектнинг лойиҳа-смета ҳужжатларига умумий қиймати доирасида тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилишига;

4P176 а "Нукус темир йўл станциясига" автомобиль йўлининг 0-10 км қисмини ва 4P176 "Нукус ш. – Чимбай ш. – Тахтақўпир ш." автомобиль йўлининг 0-14,3 км қисмини қайта қуриш объектларида қурилиш қизил чизигига тушган турар ва нотурар жойларни бузиш ҳамда дов дарахтларни кесиш ишлари бирмунча қийинчиликлар туғдираётгани ва бунинг натижасида объектларни ўз муддатида фойдаланишга топшириш ишлари кечикиб кетаётганлиги сабабли автомобиль йўлини ўша қисмларини 6 тасмадан 4 тасмага ўтказиб лойиҳа-смета ҳужжатларига тегишли ўзгартириш киритилишига;

A380 "Ғузор – Бухоро – Нукус – Бейнеу" автомобиль йўлининг 765-806 км қисмини реконструкция қилиш объектини халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобидан амалга ошириш учун 2022 йилда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастуридаги келгуси йилларга лойиҳа қидирув ишлари учун ажратилган маблағлар доирасида Техник иқтисодий асос (ТИА) ишлаб чиқилишига;

Халқаро молия институтлари молиялаштириш манбалари ҳисобига амалга оширилаётган A373 "M39 автомобил йўли – Гулистон ш. – Бўка ш. – Ангрэн ш. – Қўқон ш. ва Андижон ш. Орқали – Ўш шаҳрига" автомобил йўлининг Оҳангарон ва Ангрэн шаҳарларини айланиб ўтувчи 37 км (тахминан) узунликдаги автомобиль йўлини қуриш" объектнинг техник-иқтисодий асоси (ТИА) ишлаб чиқиллаётганлигини инobatга олган ҳолда, Оҳангарон ва Ангрэн айланма йўлини боғловчи қўшимча равишда 31 км автомобиль йўлини 2022 йилда истиқболли лойиҳалар дастурига киритилиб амалга оширилишига;

2022-2024 йилларда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда бошқа йўл ишлари дастурига киритилган умумий фойдаланувдаги автомобиль йўлларида жойлашган кўприклар, йўл ўтказгичлар ҳамда авария ҳолатидаги кўприклар ва бошқа сунъий иншоотларни қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш объектлари учун талаб қилинадиган темир-бетон материаллари захирасини яратиш, объектларни муддатида фойдаланишга топшириш мақсадида, истисно тариқасида фақатгина ушбу материаллар учун буюртмачининг асосланган ҳисоб-китобларига мувофиқ 100 фоиз миқдорда олдиндан аванс тўловларини молиялаштирилишига розилик берилсин.

**9. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Бобоев), Молия вазирлиги (Ишметов), Автомобиль йўллари қўмитаси (Абдувалиев) билан биргаликда:**

"Ўзбекистон Темир йўллари" АЖ "Кўприк қурилиш трести" УК ҳузуридаги Кўприк қурилиш Дирекция ДУК Бухоро вилояти ҳудудида жойлашган A380 "Ғузор – Бухоро – Нукус – Бейнеу" автомобиль йўлининг 208 километрдаги йўл ўтказгични реконструкция қилиш объектини қисқа

муддатда буюртмачи “Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари куриш ва реконструкция қилиш дирекцияси” ДУКга топширилиши;

Бунда объектнинг мавжуд ҳолатидан келиб чиқиб лойиҳа-смета ҳужжатларига тегишли қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин. Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш билан боғлиқ барча харажатларни 2022 йил иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш дастури доирасидаги келгуси йиллар лойиҳа қидирув ишлари учун ажратилган маблағлар ҳисобидан қоплаб берилиши;

Тошкент шаҳрида кенг қўламли йўл ишлари олиб борилаётганлиги ҳамда олдинги йўллардан ўтувчи объектларни ўз вақтида фойдаланишга топширилишини таъминлаш мақсадида “Тошкент шаҳар минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУК жорий йилда буюртмачи функциясини давом эттириши таъминлансин.

**10. Иқтисодий тараққиёт ва қамбағалликни қисқартириш вазирлиги (Бобоев), Молия вазирлиги (Ишметов), Автомобиль йўллари қўмитаси (Абдувалиев), Хоразм вилояти ҳокимлиги (Эрманов) 4Р 158 “Урганч ш.-Хива ш.”, 4Р 162а “Урганч аэропортига” ҳамда 4Р 265 “Урганч-Хива” автойўли-Хива компрессор станцияси” автомобиль йўллари билан кесишувчи барча туташмаларга 200 метр узунликда асфальто-бетон қоплама ётқизишга рухсат берилсин.**

Бунда туташадиган умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари асфальто-бетон қоплама ётқизиш республика бюджетидан умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари жорий таъмирлаш ишлари учун ажратилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилсин.

**11. Автомобиль йўллари қўмитаси (Абдувалиев), Хоразм вилояти ҳокимлиги (Эрманов):**

- умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларга туташадиган ички хўжалик йўллари асфальто-бетон қоплама ётқизиш;

- Урганч шаҳар Ал-Хоразмий, Ғофур Ғулом, Шерозий, Хонқа ва Саёт кўчалари билан кесишувчи барча туташмаларга 200 метр узунликда асфальто-бетон қоплама ётқизиш;

- Урганч шаҳар Ал-Беруний кўчасини (Ғофур Ғулом кўчасидан А.Баҳодирхон кўчасигача) жорий таъмирлаш (*тўла таъмирлаш элементлари билан бирга*) ишларини маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

Урганч шаҳридаги 40 км узунликдаги шаҳар кўчалари ва ички йўлларни жорий таъмирлаш ишлари учун маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан 5 млрд сўм маблағлар ажратилсин.

Ушбу ишларга буюртмачи этиб “Хоразм вилоят минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУК белгилансин.

12. **Хоразм вилояти ҳокимлиги** (Эрманов) Урганч шаҳар троллейбус парки ҳудудида асфальтобетон қоплама ётқизиш ишлари учун **10 кун муддатда** маҳаллий бюджет ҳисобидан маблағлар ажратилишини таъминласин.

4P162 “Урганч айланма йўли” автомобиль йўлининг 0-3 км қисмига умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари жорий таъмирлаш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан тунги ёритиш чироқлари ўрнатилсин ҳамда 0-6 км қисмидаги тунги ёритиш чироқлари Урганч туман ва шаҳар ободонлаштириш бошқармалари балансига ўтказилсин.

13. **Молия вазирлиги** (Хайдаров), **Автомобиль йўллари кўмитаси** (Абдувалиев) Автомобиль йўллари кўмитаси раиси ўринбосарлари ҳамда кўмига навбатчи енгил автотранспорт воситалари кўмитанинг таркибий қорхоналари тасарруфидаги автотранспортлардан бириктирилиши ва уларни сақлаш харажатлари Автомобиль йўллари кўмитасининг фаолиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси” маблағлари ҳисобидан марказий апаратыни сақлаш харажатлари сметаси доирасида амалга оширилишига рухсат берилсин.

14. **Молия вазирлиги** (Ишметов), **Автомобиль йўллари кўмитаси** (Абдувалиев) Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат кўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2017 йил 14 февралдаги ПҚ-2776-сон қарорига асосан Автомобиль йўллари кўмитаси таркибидаги соҳавий буюртмачи хизматлари ихтисослашувини инобатга олиб, ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш ва рағбатлантириш Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 21 ноябрдаги 924-сон қарори билан тасдиқланган тартиб талабларига қатъий риоя қилган ҳолда амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

15. Ушбу баённома ижросини назорат қилиш Вазирлар Маҳкамасининг Худудларни комплекс ривожлантириш, коммуникациялар, қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги масалалари котибияти зиммасига юклатилсин.



Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари (шу жумладан, сунъий иншоотлар)ни жорий ва мукаммал таъмирлаш, сақлаш, қишки қаров, кўкаламзорлаштириш ишларига ажратилган маблағларнинг тақсимооти

|   |   | млн.сўм            |
|---|---|--------------------|
| № | Харажатлар йўналиши   | Лимит*             |
|   | <b>Жами:</b>  | <b>2 135 000,0</b> |
| 1 | Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини мукаммал таъмирлаш           | 330 000,0          |
| 2 | Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини жорий таъмирлаш              | 904 000,0          |
| 3 | Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини сақлаш                       | 688 000,0          |
| 4 | Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларида қишки қаров                  | 63 000,0           |
| 5 | Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари атрофларини кўкаламзорлаштириш | 150 000,0          |

Изоҳ: \*) Автомобиль йўллари кўмитасининг тақлифига асосан ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларининг эксплуатация харажатларига (жорий таъмирлаш, сақлаш, қишқи қаров ва кўкаламзорлаштириш) ажратилган маблағлар тўғрисида маълумот

млн.сум

| Т/р | Худудлар номи  | Жами*              | шундан:          |                  |                 |                    |
|-----|--|--------------------|------------------|------------------|-----------------|--------------------|
|     |  |                    | Жорий таъмирлаш  | Сақлаш           | Қишқи қаров     | Кўкаламзорлаштириш |
|     | <b>Жами:</b>   | <b>1 804 992,8</b> | <b>904 000,0</b> | <b>687 992,8</b> | <b>63 000,0</b> | <b>150 000,0</b>   |
| 1   | Қорақалпоғистон Республикаси   | 120 877,4          | 56 000,0         | 53 757,6         | 634,0           | 10 485,8           |
| 2   | Андижон вилояти  | 90 438,6           | 45 000,0         | 33 846,7         | 936,5           | 10 655,5           |
| 3   | Бухоро вилояти   | 133 953,4          | 75 000,0         | 45 346,5         | 805,0           | 12 801,9           |
| 4   | Жиззах вилояти   | 96 468,1           | 49 000,0         | 35 432,1         | 1 660,9         | 10 375,2           |
| 5   | Қашқадарё вилояти  | 112 033,6          | 63 500,0         | 37 776,9         | 550,0           | 10 206,6           |
| 6   | Навоий вилояти   | 114 645,2          | 63 000,0         | 38 702,8         | 1 369,0         | 11 573,5           |
| 7   | Наманган вилояти   | 115 251,3          | 65 000,0         | 39 209,2         | 1 025,4         | 10 016,7           |
| 8   | Самарқанд вилояти  | 163 408,7          | 102 442,0        | 43 766,7         | 2 339,1         | 14 860,8           |
| 9   | Сурхондарё вилояти   | 102 232,0          | 45 000,0         | 44 582,6         | 1 555,9         | 11 093,5           |
| 10  | Сирдарё вилояти  | 76 797,2           | 40 465,0         | 26 346,0         | 686,1           | 9 300,1            |
| 11  | Тошкент вилояти  | 288 631,6          | 138 000,0        | 115 622,9        | 15 249,9        | 19 758,7           |
| 12  | Фарғона вилояти  | 148 181,8          | 81 593,0         | 55 536,5         | 812,2           | 10 240,1           |
| 13  | Хоразм вилояти   | 91 387,4           | 55 000,0         | 27 982,2         | 1 273,6         | 7 131,6            |
| 14  | "Қамчиқавтойўл" ИЙФУҚ  | 146 750,4          | 25 000,0         | 86 147,9         | 34 102,5        | 1 500,0            |
| 15  | Автомобиль йўллари қўмитаси (АКТ, дисперчерлик хизмати ва меъёрий хужжатларни ишлаб чиқиш харажатлари) | 3 936,1            |                  | 3 936,1          |                 |                    |

Изоҳ: \*) Автомобиль йўллари қўмитасининг таклифига асосан ўзгартиришлар киритилиши мумкин.